Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

8 апрель 1972 йил, шанба ◆ № 83 (15.254). ◆ Баҳоси 2 тийин.

САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх 3 апрелдан 5 апрелгача Москвада Совет ҳукуматининг меҳмони сифатида визит билан бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев уни қабул қилди. Сваран Сингх СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан учрашди. С. Сингх СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан суҳбатлашди.

Қабул қилинган ахборотда бундай дейилади: гоят самимий вазиятда ўтган учрашув ва суҳбатлар давомида Совет — Ҳиндистон муносабатларига доир кўп масалалар, Ҳиндистон ярим оролидаги аҳвол қараб чиқилди, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтираётган актуал халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Ҳар икки томон Совет — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, сиёсий, иқтисодий, фан-техника соҳасидаги ва бошқа соҳаларда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қарор берганлигини зўр мамнуният билан қайд қилди.

Ҳиндистон ярим оролидаги аҳвол муҳокама қилинган вақтда ҳар икки томон бу районда рўй берган проблемаларни Ҳиндистон, Бангладеш ва Покистон ҳукуматлари ўртасида бевосита музокаралар олиб бориш йўли билан сиёсий жиҳатдан тез ва тинч ҳал этиш кераклигини айтди.

Ҳар икки томоннинг фикрлашиб олиши кўпгина актуал халқаро проблемалар юзасидан СССР билан Ҳиндистоннинг позициялари бир хил эканлигини тасдиқлади.

Ҳар икки томоннинг фикрича, Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингхнинг Совет Иттифоқига қилган визити СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатларни, халқаро майдонда Осиё ва бутун дунёдаги тинчлик манфаатларини кўзлаб самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига хизмат қилади.



ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР

Чигитни тез ва сифатли экайлик *Ҳар бир агрегат юксак унум билан ишласин *Гектарлар тўла бўлсин!

Оҳангарон районининг кўпгина хўжаликлари қишлоқ хўжалик экинларини парваришлаш ва ҳашаротлардан тозалашда техникадан унумли фойдаланмоқдалар. Суратларда: (чапдан) 1.«Тошкент» совхозининг бригада бошлиғи Иброҳим Шеронов бедапояларни бороналаш сифатини текширмоқда. 2. Универсалга ҳашаротларга қарши дори юклаётган совхоз ишчиларидан Н. Қаршибоев ва А. Эсиргановларни кўриб турибсиз. 3. Авиатор А. Давидов совхоз бош инженери А. Ғафуров ва совхоз директори А. Давронов ўртоқлар билан навбатдаги ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда.

А. Тўраев фотолари.

САМАРҚАНД БАЙРОҒИДА ЛЕНИН ОРДЕНИ

САМАРҚАНД, 7 апрель. (ЎзТАГ). Бугун қадимий Самарқанд меҳнаткашларининг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди — шаҳарга Ленин ордени топширилди. Самарқанд шаҳри меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш юзасидан беш йиллик план топшириқларини бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун ана шу юксак мукофотни олишга сазовор бўлди.

Шаҳардаги корхоналар, қурилишлар, муассасалар ва ўқув юртларининг кўпдан-кўп вакиллари ана шу шонли воқеага бағишланган тантанали йиғилишда қатнашиш учун опера ва балет театри биносига тўпланишди. Президиумда ишлаб чиқариш новаторлари, олимлар, маданият арбоблари, улар билан биргаликда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети фан ва техника Давлат комитетининг раиси В. А. Кириллин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. А. Вишневский, Самарқанд шаҳри ва областидаги партия, совет, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари президиумда ўтиришибди.

Тантанали йиғилишни Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов очади.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлайдилар. Шаҳарнинг Қизил байроғи тантанали суратда залга олиб кирилади.

В. А. Кириллинга сўз берилади. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан ҳамда уларнинг топшириғига биноан, самарқандликларни юксак мукофот билан самимий табриклайди, уларнинг ишларига муваффақиятлар тилайди.

Бу мукофот, дейди ўрток Кириллин, Самарқанд меҳнаткашларининг социалистик ва коммунистик қурилиш буюк планларини амалга ошириш учун қўшган ҳиссасига берилган юксак баҳодир. Мамлакатимизда Улуғ Октябрдан кейин рўй берган ўзгаришларнинг улуғворлиги кўп асрлик тарихга эга бўлган қадимий ажойиб шаҳрингиз заминида айниқса яққол кўриниб турибди. Ҳозирги вактда Самарканд қадимий маданият дурдоналари, бутун жаҳонга машҳур бўлган архитектура ёдгорликлари шаҳригина эмас, балки замонавий кўп тармокли индустрияга эга бўлган, олий таълим, фан ва санъат тараққий этган шаҳар ҳамдир.

Барча совет кишилари каби Самарқанд меҳнаткашлари ҳам партия XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун янада зўр ғайрат билан ишлайдилар. коммунизм бинокорларининг олдинги сафларида бориш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўрадилар, ягона қардошлик оиласига бирлашган Совет Иттифоқи халқлари дўстлигининг улуғ байрами — СССР ташкил топган куннинг шонли 50 йиллигини муносиб равишда нишонлайдилар. Бунга шак-шубҳа йўқ.

В. А. Кириллин СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб бергач, йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида Ленин орденини шаҳар байроғига тақиб қўяди.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Н. Ҳайитов коммунистик қурилишнинг умумхалқ вазифаларини бажаришда шаҳар аҳолисининг ўз меҳнати билан қўшган ҳиссасига юксак баҳо берганликлари учун ҳамма самарқандликлар номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, жонажон Совет ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилади.

Самарқанд эришган муваффақиятлар, деб таъкидлайди нотиқ, аввало, бу шаҳардаги ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар, ўқувчилар қаҳрамонона меҳнати самарасидир. Шаҳар меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини бажаришда янада кўпроқ муваффақиятларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини зўр ғайрат билан бажармоқдалар.

Темир йўлчи слесарь, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Усмонов, В. И. Ленин номли «Красный двигатель» заводининг кекса ишчиси Н. М. Лазарев, 1919 йилдан КПСС аъзоси Р. Шокирбеков, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ж. Юсупов, архитектура-қурилиш институтининг студенти Г. Абдуллаева, Самарқанд университетининг профессори В. И. Ефимов нутқ сўзладилар.

Нотиқлар таъкидлаб ўтганидек, Самарқандда Совет ҳокимияти йилларида қўлга киритилган меҳнат зафарларининг ҳаммасига КПСС ленинча миллий сиёсати изчиллик билан амалга оширилиши натижасида, барча совет халқларининг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзарс ёрдами натижасида эришилди. Нотиқлар 2500 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарнинг киёфаси қандай ўзгараётганлиги, бу шаҳарда янги завод ва фабрикалар, уй-жой кварталлари, маданий-маиший объектлар қад кўтараётганлиги тўғрисида гапирадилар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига юбилей вахтасида эришилган меҳнат зафарларидан рапорт берилади. Самарқанд меҳнаткашлари юксак мукофот билан фахрланмоқдалар ва бу мукофотга жавобан зўр ғайрат билан меҳнат қилиш, КПСС XXIV съезди режаларини бажариш учун орденли шаҳарга муносиб ҳисса қўшишга қатъий карор қилдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан шаҳар меҳнаткашларини қизғин табриклади. Ўртоқ Худойбердиев Самарқанд меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувларини тилади.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига гоят баланд руҳ билан табриклама йўлладилар.

Чигит экиш жамоатчилик назоратида

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Ҳар кун, ҳар дам ғанимат. Ундан унумли фойдаланган, тўла тайёргарлик кўрган ҳолда тупроққа чигитни барвақт ва сифатли қадаган деҳқоннинг кузгаги хирмони мўл-кўл бўлади. Задарё районида баҳор йилт этиб кўринишидаёқ иш қизиб кетди. «Гигант» колхозида техника ва экин майдонлари мавсумга тўла тахт қилинди. Ҳозир Ҳошимжон Турсунов, Шерназар Имомов, Мансурали Маҳмудов ва Мақсудали Абдухолиқов ўртоқлар бошлиқ бригадалар далаларида сеялкалар ерга барака уруғини қадашмоқда. Ильич номли колхоз ва «Гулбоғ» совхозида ҳам экиш авжида. Белгиланган графикка тўла амал қилинмоқда. Ҳар бир экипаж кунлик нормасини ошириб бажаряпти. Муваффақиятларнинг асосий гарови — техникани ва далаларни, суғориш шохобчаларини вақтида тайёрлаб қўйилганлигидадир.

Задарё районида чигит экишга тайёргарлик ва экиш ишларини халқ назоратчилари ва мухбирлар постлари қаттиқ назорат қилиб бормоқдалар. Тез-тез рейд ва текширишлар ўтказиляпти. Содир бўлаётган хато ва камчиликларни шу ернинг ўзида дарҳол тугатиш тадбирлари амалга оширилаётир.

Кечагина халқ назоратчилари мухбирлар постларининг аъзолари, инженер, агроном ва бошқа мутахассислар иштирокида район колхоз ва совхозларида чигит экишнинг боришини текширдилар. Мана, текшириш натижалари:

«Комсомол» колхози баҳорги ишларда орқада қоляпти. Бироқ хўжалик раҳбарлари бундан сира ҳам ташвишланмаётирлар. Аксинча, бош инженер Турғунбой Кўпайсиддинов ҳамма тракторларни ремонт қилиб қўйганмиз, деб мақтанади. Амалда-чи? Мавжуд 13 та ҳайдов тракторининг еттитаси устахонага «қантариб» қўйилибди. Бирининг занжири узилган. Иккинчисининг бошқа бир детали синган, учинчисининг эса механизатори қаёққадир кетиб қолган. Техник нуқсонлар кўп. Турсунбой Исроилов, Турсунбой Абдуллаев ва бошқа механизаторлар уларни тузатиш билан овора. Чопиқ тракторларининг тўрттасига бузуқлиги сабабли сеялка тақилмаган. «Зиг-заг» бороналарнинг ярмиси ремонтга муҳтож. «Коммунист» ва Навоий номли колхозларда ҳам техника мавсумга тўла шайланмаганлиги сабабли экишнинг суръат ва сифати паст. Бу хўжаликларнинг тракторлари кўздан кечирилганида уларнинг ҳар бирида 8 тадан 13 тагача нуқсон топилди. Шу сабабли район бўйича 20 та ҳайдов ва 63 та чопиқ тракторлари қантариб қўйилибди.

Ҳар бир экиш агрегатидан унумли фойдаланиб, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ майдонга уруғ қадаш ҳар бир деҳқоннинг бурчи. Бироқ «Комсомол» колхозида бунинг акси бўляпти. Турсунбой Йўлдошев билан Бойжуман Мирзааҳмедов бир кунда фақат 5 гектар ерни бороналашибди. «Коммунист» колхозида эса 8 та ҳайдов трактори 3 апрель куни бекор туриб қолди. Шу куни хўжалик бўйича фақат 1 гектар ер экишга тайёрланди, холос. Районда эса 188 та ҳайдов трактори билан 683 гектар ер бороналанди.

Навоий номли колхознинг Абдуғаббор Назаров бошлиқ бригадасида кундалик маълумот ошириб кўрсатилаётир. Гарчи, экишга тайёр деб айтилган 10 гектар майдоннинг баланд-паст ерлари кўп, кесаги кўчган бўлса ҳам иш аъло даражада бажарилди, деб қабул қилиб олинган. «Коммунист» колхозининг бир қанча бригадаларида ҳам ер ҳайдаш ва бороналаш сифатсиз бажариляпти.

Ўтган йилнинг кузидаёқ Задарё районидаги колхоз ва совхозлар уруғлик чигит билан тўла таъминланган эди. Бироқ «Восток» совхози, «Коммунист» ва «Комсомол» колхозларида чигитни ивитиш чуқурлари ва майдончалари етарли миқдорда тайёрланмагани сабабли сеялкалар соатлаб туриб қолмоқда.

Задарё район пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 28,2 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Ҳар кун, ҳар соатни ғанимат билиб, экиш мавсуми тез ва соз ўтказилсагина ваъдага вафо қилиш мумкин. Район пахтакорлари ана шунга амал қилиб, ишда рўй бераётган хато ва камчиликларни тузатишлари, чигитни муддатида экишлари ва уни тўла ундириб олишлари керак.

Рейд аъзолари: А. МИНГБОЕВ, А. ДАДАМИРЗАЕВ — мухбирлар постининг аъзолари, Т. ПАРПИЕВ — Задарё район халқ контроли комитетининг раиси, В. АНДРАХОНОВ — Наманган область халқ контроли комитетининг бўлим мудири, О. ЖУМАНАЗАРОВ — «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Л. М. БОЙЧЕНКОГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН АРХИТЕКТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика гидротехника иншоотларини архитектура жиҳатидан лойиҳалаш соҳасидаги узоқ йиллик самарали иши учун «Узгипроводхоз» институтининг бош архитектори Леонид Михайлович Бойченкога «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил 7 апрель.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Р. А. МУСИН ВА Н. П. ПЕТРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ГЕОЛОГ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада фойдали қазилмалар конларини очиш ва ер остини ўрганиш, геолог кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти лабораторияларининг раҳбарлари — Рафғат Абдурахмонович Мусинга ва Николай Петрович Петровга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил 7 апрель.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. ДУРАНОВСКИЙГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотларидаги узоқ йиллик самарали иши учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Василий Иванович Дурановскийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил 7 апрель.
Тошкент шаҳри.

ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

Ўзбекистон ССР областларида чигит экишнинг бориши тўғрисида 1972 йил 7 апрелга бўлган МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — чигит экилган майдон (минг гектар ҳисобида), учинчи устун — планга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	11,3	8,4
Сирдарё	6,1	2,7
Фарғона	3,1	1,6
Наманган	16,7	12,4
Андижон	14,4	7,8
Самарқанд	0,6	0,3
Бухоро	2,3	1,5
Қашқадарё	1,1	1,0
Сурхондарё	17,4	13,9
Хоразм	—	—
ҚҚ АССР	—	—
Республика бўйича:	73,0	4,4

ГФРДАН КЕЛГАН МЕҲМОН ХОРАЗМДА

УРГАНЧ, 7 апрель. (ЎзТАГ). Шимолий Рейн-Вестфалия (ГФР) ўлкасининг бош министри Гейнц Кюн бугун Хоразм ҳаёти билан танишди.

ГФРдан келган меҳмон Ўрта Осиё — Марказ газ қувури қурилишида бўлди, Хиванинг тарихий ёдгорликларини кўздан кечирди.

БАҒДОДДАГИ УЧРАШУВЛАР

БАҒДОД, 6 апрель. (ТАСС). Шимолий Румайлада Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қурилган биринчи катта миллий нефть конини ишга туширишга муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигида совет партия-ҳукумат делегацияси бугун Бағдодга келди.

Ироқ Араб социалистик уйғониш партияси регионал раҳбарлиги, бош секретарининг ўринбосари, Ироқ Республикаси революцион қўмондонлиги кенгаши раисининг ўринбосари Саддам Ҳусайн, шу партия миллий ва регионал раҳбарликларининг аъзолари, ҳукумат аъзолари, Курдистон демократик партияси ва Ирок Коммунистик партияси раҳбарликларининг аъзолари, мамлакатнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари Бағдоднинг халқаро аэропортида ҳурматли совет меҳмонини кутиб олишди.

Сўнгра совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи А. Н. Косигин Саддам Ҳусайн ҳамроҳлигида ўзига ажратиб қўйилган резиденция томон йўл олди.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун куннинг иккинчи ярмида Ироқ Республикаси президенти, Ироқ Араб социалистик уйғониш партияси регионал раҳбарлигининг бош секретари, Ироқ Республикаси революцион қўмондонлиги кенгашининг раиси Аҳмад Ҳасан Бакр ҳузурига ташриф буюрди.

А. Н. Косигин Ироқ Араб социалистик уйғониш партияси регионал раҳбарлиги бош секретарининг ўринбосари, Ироқ Республикаси революцион қўмондонлиги кенгаши раисининг ўринбосари Саддам Ҳусайн билан ҳам учрашди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатлар вақтида ҳар иккала томонни қизиқтираётган бир қанча масалалар устида фикрлашиб олинди.

Бундан олдин совет партия-ҳукумат делегацияси Бағдоддаги номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

Кечқурун Ироқ Республикасининг президенти Аҳмад Ҳасан Бакр совет партия-ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат берди.



Қашқадарё области. Беповн Қарши чўлини ўзлаштириш ва уни мўлкўл оби-ҳаёт билан таъминлаш мақсадида олтита мукаммал насос станциялари барпо этиляпти. Суратда: 1-насос станцияси қурилишида шижоаткорона меҳнат қилаётган В. Штеменко бошлиқ пайвандчилар бригадаси. Улар смена топшириқларини 1,5-2 баравар уддалашга эришаётирлар.

Р. Ҳамидов фотоси. (ЎзТАГ).

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

●

ҚУРУВЧИЛАР МУДДАТИДАН БИР ЙИЛ ОЛДИН СССР 50 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИГАЧА ҚАРШИ ДАШТИГА СУВ ЧИҚАРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИЛАР

●

ҚАРШИ МАГИСТРАЛ КАНАЛИНИНГ ШЎРСОЙ ТАРМОҒИ ЎЗАНИ ҚАЗИШГА КИРИШИЛДИ

●

ҚАРШИ ДАШТИ — ЖАНУБ ФАРҒОНАСИГА АЙЛАНАДИ

ҚАРШИ ҚУРИЛИШИ — ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

ЎЗАН ОЧИЛДИ

Шу кунларда Қарши чўлини ўзлаштириш борасидаги ишлар янада жадаллаштириб юборилди. Катта Қарши магистрал канали трассаларида, насос станцияларида ва бошқа иншоотларда чўлқуварлар ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

Катта Қарши магистрал канали 196 километрга чўзилган бўлиб, даштга секундига 350 куб метр оби-ҳаёт олиб келади. Катта магистрал канал билан бирга унинг Шўрсой тармоғи деб аталган қисми ҳам қурилади. Бу тармоқ бош планга кўра 4-насос станциясидан бошланиб, Қашқадарёнинг қуйи қисмини суғоради. Катта Қарши магистрал канали қурилиб тамомлангандан сўнг, Шўрсой канали қурилишига киришиш мўлжаллаб қўйилган ва бу канал чўлнинг иккинчи навбатда ўзлаштириладиган қисмига оби-ҳаёт олиб келиши лозим эди.

Лекин кейинги йилларда Қашқадареда пахтачиликни ривожлантириш учун мавжуд сув ресурсларининг камлиги, насос станцияларида ҳали иш жуда кўплиги сабабли Шўрсой каналини биринчи навбатда қуриш керак, деган фикрга келинди. Бу таклиф СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда «Главсредазирсовхозстрой» бошқармаси томонидан маъқулланди. Чўлга таниқли ирригаторлар, олимлар, мутахассислар, топографлар, қидирувчилар келиб Шўрсой канали ўтадиган ерларни бир неча ой давомида тадқиқ этдилар ва турли қидирув ишларини олиб бордилар, лойиҳа тузиб бердилар.

Лойиҳага кўра Шўрсой тармоғининг узунлиги 105 километрга чўзилган бўлиб, чўлда ташкил этилган Ульянов райони территориясидан 30 минг гектар майдонни суғориш имкониятини беради. Канал келгуси йил Қарши даштига биринчи бор Амударё сувини олиб келади.

Катта Қарши магистрал каналининг Шўрсой тармоғини қазиш ишлари ғоятда шиддат билан бошланиб кетди. Қарши магистрал каналининг 10 пикетидан янги каналга ўзан очилмоқда. Ўзанни 13-механизациялашган ишлар бошқармасининг гидромеханизаторлари биринчи бўлиб бошлаб бердилар. Бошқарманинг моҳир бульдозерчиси Сергей Власов биринчи бўлиб Шўрсой канали ўзанидан дастлабки куб метр тупроқни суриб чиқарди. Унинг изидан Жўра Абдухайров, Николай Кузьминов, Чори Ҳайитов, Равис Гусманов каби механизаторлар ҳам канал ўзанини очишга киришдилар.

Бошқарманинг Қулсоат Абдуллаев бошлиқ бульдозерчилар бригадаси ҳам канал трассаларида ишлаяптилар. Уларнинг ҳар бири кунига 600 куб метрдан тупроқ ишларини бажариш учун курашмоқдалар. Ҳозир янги канал ўзани Қарши магистрал каналининг 10 пикетидан чўл ичкарисига қараб қазиб бориляпти. Канал трассаларида 40 га яқин қудратли техника ва механизмлар кеча-кундуз ишлатилмоқда.

13-механизациялашган ишлар бошқармасининг коллективи каналнинг 25 километрли қисмида тупроқ ишларини амалга оширадилар. Каналнинг қолган қисмларида «Мелиоводстрой» трестининг кўпгина қурилиш ташкилотлари, қурилиш-монтаж бошқармаларининг коллективлари меҳнат қилишади. Канал ўзани туб қисмининг кенглиги 6 метр, чуқурлиги 3,5 метр қилиб қазилаётир.

Канал қуриб, тамомлангандан сўнг секундига 70 куб метр оби-ҳаёт ўтказа олади ва 30 минг гектар ерни суғоради. Канал келгуси йилдан сув бера бошлайди.

Шўрсой канали кейинчалик реконструкция қилиниб, кенгайтирилади ва узайтирилиб, бўлажак Шўрсой сув омборигача олиб борилади. Канал 3,5 миллиард куб метр сув сиғдирадиган Шўрсой сув ҳавзасига оби-ҳаёт етказиб бериб туради, 600 минг гектар майдонни эгаллаб ётган қақроқ ерларни суғоришга ва чўлни яшнатишга хизмат қилади.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон харитасига боқсангиз, Зарафшон дарёсини Чимқўрғон сув омбори билан туташтириб турувчи ягона канални кўрасиз. Бу — Эски Ангор. Унинг узунлиги 182 километрни ташкил этади. Бу канал табиатан эгри-бугри ариқ-зовурлардан ташкил топган бўлиб, ундан йилига 400-450 миллион куб метр сув оқади. Шундан 40 проценти йўл-йўлакай ерга сингиб, исроф бўларди.

«Узгипроводхоз» институти лойиҳачилари ана шу канални 55 километр қисқартириб, сувнинг йўл-йўлакай исроф бўлишига барҳам бериш тадбирларини ўйлашди. Бу борада анча хайрли ишлар амалга оширилди. Эски Ангор каналининг янги лойиҳаси яратилди. Каналга бетондан «кўйлаклар» кийгизиш планлаштирилди. Канал сувини янада ошириш мақсадида унга Қумдарёни буриш чоралари белгиланди. Шу тариқа Эски Ангорнинг «Қумдарё» қисми Чимқўрғон сув омборига секундига 50 куб метр оби-ҳаёт қуядиган бўлди.

1971 йилнинг сентябрида Эски Ангор канали тарихида янги саҳифа очилди. Мукаммал лойиҳа бўйича канал қурилиши бошлаб юборилди. Лойиҳада канал 3,5 йилда қуриб битказилиши мўлжалланган бўлса, забардаст қурувчилар бу муддатни 3 баравар қисқартиришга қарор қилишди. Қарши чўлини ўзлаштириш, бўз ва қақроқ ерларга оби-ҳаёт элтиш, хўжаликларда сув танқислигига барҳам беришдаги аҳамияти инобатга олиниб. Эски Ангор канали қурилиши—умумхалқ қурилиши деб эълон қилинди.

Канал қурилишининг дастлабки кунларидан бошлабоқ «Узсельхозтехника» бирлашмаси, совхозлар трести, «Кашкадаряводстрой» трести, «Самарқандводстрой» трести, Тошкент область ва шаҳар автотрестлари, Сирдарё область қурилиш трести ва бошқа кўпгина қурилиш-монтаж ташкилотларининг бунёдкорлари қашқадарёликларга ёрдам бериш учун отланишди.

МЕҲНАТ ТАРОНАСИ

УМУМХАЛҚ ҚУРИЛИШИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КАНАЛ УЧ БАРАВАР ҚИСҚА МУДДАТДА БАРПО ЭТИЛЯПТИ

Эски Ангор канали қурилиши тобора кенг қанот ёзяпти. Турли касб эгалари елкама-елка туриб, канал қурилишини янада жадаллаштириш учун тер тўкаётирлар. Қурилиш объектида 6,5 минг кишши шижоаткорона меҳнат қилаётир. Уларнинг 2 мингги механизатор, 3 мингги бетончи, 1,5 мингги бетон заводи ва автотранспорт ишчи ва хизматчиларидан иборат. Канал қурилишида 54 экскаватор, 176 скрепер, 132 бульдозер, 400 автомашина бетиним ишлаб турибди.

Канал қурилиши майдончаларида умумий ишлаб чиқариш қуввати бир кеча-кундузда 4 минг куб метр бўлган 7 та бетон қориш узели ташкил этилди. Ҳар бир тармоқ учун сувга сероб қудуқлар қазиляпти. Бу қудуқлар бетонларнинг ўз вақтида қотириб тайёрланишига хизмат киляпти. Участкалар кўчма электр станциялар билан таъминланган.

Область партия комитети канал қурилиши объектида махсус штаб ташкил этган. Унда кундалик иш якунлари ва келгуси режалар муҳокама қилинади, мусобақа илғорлари рағбатлантириб турилади. «Узсельхозтехника» Қарши бирлашмасининг электр пайвандчиси А. Борисенко, бетончи Р. Эшонқулов, экскаваторчи В. Вотченко, «Пачкамар» кўчма механизациялашган колоннаси ишчиси Р. Рўзимуродов, яккабоғлик Э. Хидиров, В. Иванов сингари юзлаб биноқорлар канал қурилишида жонуярлик кўрсатмоқдалар. Аникса скреперчи С. Хўжақулов, Б. Қўзибоев, бульдозерчи Д. Ашуров сингари ўртоқлар социалистик мусобақада пешқадамлик қилишаётир. Улар ўзларига ишониб топширилган механизмлардан самарали фойдаланиб, кунлик топшириқларни муттасил 130-150 процентга етказиб бажаришга эришаётирлар.

Канал қурилиши бошлангандан буён 27 миллион куб метрдан знёд тупроқ қазиб чиқарилди ва 9 минг квадрат метр бетон ётқизилди. 4 та автомобиль ва битта темир йўл кўприги қуриб битказилди. Ҳозир Эски Ангор каналининг бош қисми бетонлаштирилди, қурувчилар яна учта автомобиль йўли кўпригини битказиш арафасида туришибди.

Яқинда канал қурувчилари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Эски Ангорнинг «Қумдарё» қисми ишга туширилди. Энди Қумдарёнинг кимматли оби-ҳаёти кераксиз ерларга оқмайди, беқорчи қумларга шимилиб кетмайди, тўппа-тўғри Чимқўрғон сув омборига, ундан эса беповн пахта майдонлари томон оқади.

Эски Ангор канали шу тариқа янгидан туғилляпти. Қурувчилар, механизаторлар, монтажчилар қўлни-қўлга бериб, катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган канални белгиланган қисқа муддатда фойдаланишга топшириш учун барча имкониятларни ишга солаётирлар. Эски Ангорнинг буралиб-буралиб ва мавжланиб пахтазорларга, боғларга, чўллар бағридан юлиб олинган беповн ерларга оқишига оз вақт қолди.

Р. ЗАГРЕБНОЙ,
«Узоргтехстрой — мелиорация» трести инженери.

Директива объектлари йўқламаси

СУВ ИШҚИДА

Қашқа воҳаси меҳнаткашларини ҳаяжонли дамлар кутмоқда. Сув келади, сув кетидан дур келади. «Каршистрой» бошқармасининг кўп мингли қурувчи, монтажчи, механизатор, шофер, ирригатор, мелиоратор ва бошқа касб соҳиблари тарихий сана — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган куннинг 50 йиллик муборак байрамини чўлга сув чиқариш билан нишонлашга қарор қилишди.

Шу йил навигация даврида Амударё суви Қарши магистрал каналига оқизилади. Қарши чўли Аму сувидан илк бор баҳра олади.

Қурилиш штабида, канал трассасида, ишчи посёлкаларида, область марказида, хуллас ҳамма жойда одамлар сув ҳақида суҳбат қуряптилар. Бунёдкорлар — гидроиншоотчилар сув қўшғиини баралла қуйлаб, мақсад сари интилмоқдалар. Қани, бунёдкорлар қалбига қулоқ солайлик-чи. Улар нима дейди.

Мухтор Аббосов — Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган ирригатор. «Каршистрой» бошқармаси сув хўжалиги қурилиши бўлимининг бошлиғи. Мухтор ака чўлга ҳужум бошланган биринчи кунларданоқ ишламоқда. Фарғона водийсида кўп йиллар давомида ирригация шохобчалари бунёд этган, катта хаёт йўлини босиб ўтган ирригатор, бош объектлар — Қарши магистрал канали, насос станциялари қурилиши билан ўз тақдирини боғлаган минглаб гидроиншоотчиларнинг бири.

— Асрлар оша сувсизликдан қақраб ётган миллион гектарли Қарши дашти кўпдан бери олимлар, инженерларнинг диққатини жалб этиб келарди, — ҳикоя қилади Мухтор Аббосович, — ўтган асрнинг охирларида рус инженерлари Аненков ва Петровлар чўлга сув чиқариш лойиҳасини таклиф этдилар. Лекин буни амалга оширишнинг сира иложи бўлмади. Фақатгина бизнинг давримизда, улуғ Ленин башорати, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги туфайлигина асрий орзулар ҳақиқатга айланмоқда.

Чўлга ҳужум бошланганига бу йил роппа-роса ўн йил бўлди. Ана шу ўтган давр ичида 300 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди, шу жумладан 240 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари комплекси амалга оширилди, 155 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Бу — чўл бағрини кесиб ўтган асфальт йўллар электр тармоклари, завод ва комбинатлар, инсон манзилгоҳлари — ишчи посёлкалари, Қарши магистрал канали, насос станциялари, коллекторлар ва бошқа муҳим ирригация объектлари демакдир.

Партия ва ҳукуматимизнинг чўлга сув чиқариш ишларини амалга ошириш ҳақидаги муҳим топшириқларини бажариш мақсадида Совет Иттифоқининг юзлаб шаҳар ва қишлоқларидан қирқдан ошиқ миллат ва элат фарзандлари даштга келишди. Улар сув қўшғини қуйлаб, ўжар ва қайсар табиат устидан ғолиб келишмоқда. Жазирама даштнинг қум барханлари ораларида, қудратли техника жиловини моҳирлик билан бошқариб, канал ва коллекторлар узандан 350 миллион куб метр тупроқ чиқаришди, насос станциялари, уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилишида 330 минг куб метр бетон ва темир бетон ишларини бажаришди.

— Бунёдкорларимиз, — дея ҳикояни давом эттирди Мухтор ака, — сув қўшғини эрта тонгда, ярим оқшомда, ёзнинг жазирама иссиғида, қишнинг изғирин совуғида ҳам завқланиб қуйлашяпти. Чўлга ҳаётбахш сув етаклаб келиш иштиёқида улар. Маълумки, чўлга сув чиқариш илгариги планга кўра 1973 йилга белгиланган эди. Партия ва ҳукуматимиз, биз гидроиншоотчилар олдига янги вазифалар қўйди. Қашқа воҳасида сув танқислигига барҳам бериш учун ишни бирмунча жадаллаштириш керак бўлиб қолди.

Хўш, бу муаммо қандай ҳал этилади?

Николай Каменев — «Каршистрой» бошқармаси бош инженери, республикада хизмат кўрсатган ирригатор. Ленин орденли инженер. Каменев Аму—Бухоро канали, Сурхон сув омбори ва бошқа ўнлаб гидроиншоотларни бунёд этишда қатнашган мутахассис. Қарши чўлига биринчи келганлардан.

— Қарши даштини ўзлаштириш бош план асосида давом эттираверади, — дейди Николай Георгиевич,— лекин шу йилнинг ўзида сув чиқаришни амалга ошириш мақсадида қурилиш жараёни бирмунча ўзгартирилади. Асосий куч дастлаб тўртта насос станциясини битказишга қаратилади. Бутун техника, ишчи кучи ана шу объектларга сафарбар қилинади. Қарши магистрал каналининг тўртинчи насос станцияси районида сўл томондан Ульянов районига қараб узунлиги 105 километр бўлган сув тақсимлагич канал қурилади. Бу иншоот ҳар секундда 30 куб метр сув оқизиш қувватига эга бўлади. Биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи насос станцияларининг ҳар бирида иккитадан насос агрегатлари ишга туширилади. Ана шу насос станциялари оралиғидаги канал ўзанида бетон ишлари буткул тугалланади...

Бу шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас. Қирқ марта ўлчаб бир кесилган аниқ пландир. Қурилиш участкаларига борсангиз, скреперлар, бульдозерлар, экскаваторлар, кранлар, автомашиналар тинимсиз ишлаётганининг гувоҳи бўласиз. Қурилишда «Каршистрой» бошқармаси бош пудратчидир. Ўнлаб ёрдамчи пудратчи ташкилотлар: «Ирмонтажстрой» трести, СССР «Мингазпром», СССР «Минтрансстрой», СССР «Минспецстрой»ларга қарашли ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бош объектлар қурилишида актив иштирок этишяпти.

Кўзланган мақсадни амалга ошириш учун мазкур қурилиш ташкилотлари ишига оператив раҳбарлик қилиш талаб этилади. Бу ташкилотлар ишини координация этиш зарур. Ана шу мақсадни кўзлаб «Каршистрой» бошқармаси учинчи насос станциясида қурилиш штаби ташкил этди. Штабнинг турли соҳа мутахассисларидан ташкил топган 17 аъзоси бор. Уларнинг ҳар бирига аниқ вазифа юкланган. Штабга «Каршистрой» бош инженери Николай Каменев раҳбарлик қилмоқда.

Тоҳир Эргашев — иккинчи қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи: — қурилиш штаби тузилгани айни муддао бўлди, — дейди у, — автомашина, арматура, цемент шағал, механизмлар билан қурилишни ўз вақтида таъминлаш оператив ҳал этилмоқда. Коллективимиз биринчи насос станцияси ва Қарши магистрал каналининг ана шу станциягача бўлган ўзанини бунёд қилишга даъват этилган. Шу кеча-кундузда тупроқ чиқариш ва дамбалаш, бетон ётқизиш, металл конструкцияларини монтаж қилиш, подстанция қуриш ишлари қизғин давом этмоқда. Қишнинг аёвсиз совуғи ҳам ишимизга халал беролмади, қурувчиларимиз мардонавор ишлашди. К. Исаев, Х. Шойимов, А. Дробиний, А. Жумаев, Х. Ботиров сингари бетончи, дурадгор, кранчи, бульдозерчи ва бошқа касб эгалари смена топшириқларини 20-30 процент ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Иккинчи ва учинчи насос станцияларида ҳам иш авжида. Бу объектларда амалга ошириладиган ишлар ҳақида гапириб беришни қурилиш бошлиғи Павел Борисович Пакдан илтимос қилдик.

Павел Пак чўлда сув хўжалиги объектлари қуришда бой тажриба тўплади. Иккинчи насос станцияси ва канални бунёд этишда унинг бошқармаси бошқалардан анча илгарилаб кетди. Партия ва ҳукуматимиз унинг хизматларини муносиб тақдирлаб, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Бу юксак ишонч гидроиншоотчилар сардорини янада руҳлантириб юборди. У раҳбарлик қилаётган 7-қурилиш-монтаж бошқармаси ой сайин меҳнат унумдорлигини ошириб бормоқда.

— Коллективимизнинг юмушлари жуда кўп, — дейди Павел Борисович, — иккинчи насос станциясида бетон ишлари асосан тугалланган бўлса-да, учинчи станция ва каналда бетонлаш, монтаж ишлари ҳажми ҳали анча бор. Иккита подстанция қуришимиз, икки насос станциясида тўртта насос агрегатини сув чиқариш учун тахт қилишимиз керак. Шунинг учун ҳам социалистик мусобақани янада авж олдиришга қарор қилдик. 1972 йил учун олган мажбуриятларимизни қайтадан кўриб чиқдик. Ҳар бир қурилиш участкаси, бригадаларда қурувчи, монтажчи, механизаторлар ўз шахсий мажбуриятларига ўзгартишлар киритишмоқда. Планга қўшимча 500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш, ёрдамчи-пудратчи ташкилотлар билан ҳамкорликда бу йил ўтган йилдагига қараганда бетон ишлари ҳажмини 35 процентга, монтаж ишлари ҳажмини эса 40 процентга кўпайтиришга қарор қилинди.

Бу сўзларнинг далилини қурилиш объектида ўз кўзимиз билан кўрдик. Гидроиншоотчилар суръатга-суръат қўшмоқдалар. Участка ва бригадада ҳар бир ишчи учун 1972 йил шахсий дафтари ташкил этилган. Сменада, бир кеча-кундузда бажарилган ишлар таҳлил қилинмоқда. Ҳамманинг фикри-ёдн ички резервларни қидириб топиш, улардан самарали фойдаланиш билан банд.

Коммунистик меҳнат зарбдори В. Федоров ажойиб ташаббус билан чиқди. Юбилей йилида зиммага олган шахсий мажбуриятларини муддатидан бир ярим ой илгари бажаришга қарор қилди. Бунинг учун ишни яхши ташкил этиш, вақтдан, ускуна ва агрегатлардан унумли фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу ташаббусни кранчи П. Баравуля, бульдозерчи Х. Аннаев ва бошқалар биринчилар қатори маъқулладилар.

Қурилиш юраги тинимсиз уриб турибди. «МАЗ», «КРАЗ», «ЗИЛ» машиналари, кўтарма кранлар тинимсиз ҳаракатда. Владимир Клиндух бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ҳар куни сменадан ташқари 1,5 соатдан ҳақ олмай ишлаб бериш ташаббусини бошлади. Барча йигит-қизлар ташаббускорларни қўллаб-қувватлашмоқда. Бир кишининг ташаббуси бутун қурилиш коллективининг кундалик ишига айланмоқда. Арматурачи В. Воронин, дурадгор Н. Кузнецов, экскаватор машинисти В. Ким, бетончилар Л. Мишенко, П. Макарчук сингари зарбдорлар меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатни яхшилашнинг янги-янги резервларини ишга туширишмоқда.

Иккинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи қурилиш-монтаж бошқармалари, «Ирмонтажстрой» трестига қарашли 24-механизациялашган кўчма колонна, еттинчи «Мостострой» трести, «Гидромеханизация» қурилиш бошқармаси, «Водстрой» трести, «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Оргтехстрой» трести ва бошқа ўнлаб коллективлар шу кеча-кундузда чўлга сув чиқариш ишларини тезлаштириш чораларини кўришяпти. Насос станциялари ва канал қурилишини амалга ошириш мақсадида графиклар тузилди. Бу графикларда барча қурилиш ташкилотларининг ишлари ўз аксини топган.

Қарши магистрал каналининг бош қисмидаги объектларда қурилиш-монтаж ишлари кеча-кундуз тинимсиз давом эттирилмоқда. Барча қурилиш техникаси ва ишчи кучи ана шу объектларга сафарбар этилди. Саккизинчи қурилиш-монтаж бошқармаси вақтинча олтинчи станциядаги ишларни тўхтатиб, тўртинчи насос станциясида 5710 куб метр бетон ишларини бажаради. Олтинчи қурилиш-монтаж бошқармаси эса шу объектда 19600 куб метр бетон ишларини адо этади.

Янгидан ташкил этилган «Водстрой» трести канал ўзанида тупроқ ва бетон ишлари комплексини бажариш учун учинчи ва тўртинчи насос станциялари оралиғида механизациялашган участкалар ташкил этди. Керакли техника ва ишчи кучини шу участкага сафарбар қилди. Биринчи июнга қадар иккинчи қурилиш-монтаж бошқармаси 35 минг кубметр, олтинчи бошқарма — 30 минг, еттинчи бошқарма — 37 минг, 12-механизациялашган ишлар бошқармаси 48 минг кубметр бетон ишларини бажаради. 3.080 минг куб метр тупроқ чиқариш, 520 минг куб метр тупроқ ётқизиш ишлари амалга оширилиши, 4122 тонна металл конструкциялари монтаж қилиш кўзда тутилмоқда.

Рўзи УРОҚОВ,
«Каршистрой»га қарашли саноат корхоналари бошқармаси бош инженери, «Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ОБИ ҲАЁТ

Куни кеча Фарғонада ажойиб хушхабар тарқалди. Жанубий Фарғона каналини реконструкция қилиш батамом тугалланиб, ундан оби-ҳаёт лимиллаб оқа бошлади.

— Канал реконструкциясининг моҳияти жуда катта, — дея ҳикоя қилади «Ферганаирстрой» трестининг бошқарувчиси А. Рустамов, — бунинг натижасида 60 минг гектар ерни сув билан таъминлаш яхшиланади. Реконструкциянинг яна бир хусусияти шундаки, эндиликда сувнинг ерга сингиб кетиши барҳам топади. Шу туфайли 4-4,5 куб сув тежаб қолинади. Бошқача қилиб айтганда, бу—қўшимча равишда 4000 гектар экинзорларни суғориш демакдир.

Канал реконструкцияси тез суръатлар билан олиб борилди. Қудратли экскаватор ва бульдозерлар уч сменада тинмай ишлади. Шу каналдан сув ичадиган Қува, Олтиариқ Охунбобоев районлари меҳнаткашлари канал ўзанини бетон билан қоплашда оммавий равишда қатнашдилар. Область автомобиль трести автохўжаликларидаги қудратли машиналарни шу ишга тўла сафарбар этди. Фарғона, Кўқон шаҳарларидаги, Олтиариқ ва Охунбобоев районларидаги бетон заводлари канал учун вақтида бетон етказиб бериб турди. Сўнгги икки йил ичидагина 129 минг куб метрдан кўпроқ бетон ётқизилди.

Канал реконструкцияси муваффақиятли тугалланди. 2 апрелда Қорадарё ва Каркидон сув омборидан каналга сув очилди. Оби-ҳаёт бетон қопланган артериядан тўлқин уриб оқа бошлади. Бу хусусан ёз ойларида айниқса сувга эҳтиёж сезадиган юқоридаги уч район хўжаликларини сувга сероб қилади. Ирригаторларнинг бу ажойиб совғаси пахтакорларни янги меҳнат зафарларига даъват этмоқда.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЕТУКЛИК ШАҲОДАТНОМАСИ

Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 1-жилди билан китобхонлар танишиб турган бир пайтда унинг 2-жилди ҳам босмадан чиқди.

Ўзбек Совет Энциклопедияси — ўзбек социалистик миллатининг катта маданий бойлиги, бутун жаҳон олдидаги расмий ташрифномаси ва республикамиз сиймосини равшан акс эттирадиган кўзгудир. Қомус халқимизнинг кўп асрлик тарихи, бой маданий, илмий мероси, инсоният маданиятига қўшган ҳиссаси, машҳур олимлари, мутафаккир ва шоирлари, халқ ҳунармандлари, қўли гул усталарининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, айниқса, мамлакатимизнинг социалистик қурилиш йилларида халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча соҳаларида қўлга киритган оламшумул ютуқлари ҳақида маълумотлар бериб, республикамизнинг бой ва хушманзара табиати, шаҳар ва қишлоқлари, усимлик ва ҳайвонот олами, ер ости ва ер усти бойликлари, санъат ва меъморчилик обидалари, халлас, халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётини нихчам мақолаларда лўнда қилиб ёритишда давом этади.

ЎзСЭнинг 2-жилдида фаннинг 48 соҳасидан ҳамҳаси бўлиб 3007 мақола эълон қилинди. Булардан 519 таси олимлар, санъаткорлар, каҳрамонлар, давлат арбоблари ва бошқалар тўғрисидаги биографик мақолалардир. 2-жилдда жами материалнинг 60 процентга яқинроғини маҳаллий материаллар ташкил қилади. Бу жилдни тайёрлашда 600 дан ортиқ муаллиф катнашди, улар орасида СССР ФА ва ЎзССР ФА академиклари, мухбир аъзолари, фан докторлари ва профессорлар, фан кандидатлари ва бошқа мутахассислар бор. Жилднинг умумий ҳажми 103.8 нашр листдан иборат. Унда рангли карта ва рангли вилейкалар, жуда кўп ҳар хил безаклар берилган.

Жилдда биология, ботаника, биохимия ва бошқа бир қанча фанларнинг тарихи ва ҳозирги тараққиёти баён этилган. Бухоро, Беновод шаҳарлари тўғрисидаги расмли мақолаларда социализм қурилиши даврида Ўзбекистон шаҳарлари қиёфасининг ўзгариши, санъат ва қишлоқ хўжалиги, маданиятининг тараққиёти тўғрисида зарур маълумотлар берилган. Шунингдек, «Б» ва қисман «В» ҳарфидан бошланадиган бир қанча район, қишлоқлар таърифланган.

Иттифоқдош республикалардан Белоруссия ССР, автоном республикалардан Бурятия, Бошқирдистон, чет мамлакатлардан Болгария, Бирма, Бельгия, Буюк Британия тўғрисида салмоқли мақолалар берилган, уларга ушбу республика ва давлатларнинг рангли ёки оқ-қора ранглардаги карталари, турли расмлар илова қилинган.

Ҳозир республикамизнинг барча область ва шаҳарларида Ўзбек Совет Энциклопедиясига обуна давом этмоқда ҳамда унинг 1-жилди берилмоқда.

А. ШОМАҲМУДОВ,
ЎзСЭ бош мухаррирининг ўринбосари;
Э. ОТАҚУЗИЕВ,
ЎзСЭ бош редакциясининг илмий котиби.

БЎСТОНЛИҚ районидаги «Хўжакент» совхози боғларида кўкламги ишлар кенг бошланиб кетди. Совхоз боғларида дарахтларни ҳашаротларга қарши дорилаш қизғин бормоқда. Суратда: механизатор А. Тожибоев ҳар куни 5-6 гектар майдондаги боғларни ҳашаротлардан халос қилмоқда.

И. Портнов фотоси.

МАРКСИЗМНИНГ БУЮК ХАЗИНАСИ

Марксистик сиёсий иқтисоднинг шоҳ асари — «Капитал»нинг биринчи томини ёзиш ва нашрга тайёрлашда пролетариатнинг буюк доҳийси Карл Марксниг йигирма йилга яқин вақти кетди. 1867 йил 17 апрелда Маркс немис ишчиси Беккерга ёзган мактубида «Капитал» шу пайтгача буржуазия, шу жумладан, йирик ер эгалари бошига урилган зарбалар орасида **«Энг даҳшатли снаряд бўлади»**, — деб таъкидлаган эди.

1867 йил сентябрь ойида «Капитал»нинг биринчи томи немис тилида Гамбургда босилиб чиқди. Энди бу асарни бошқа тилларга таржима қилишдек мураккаб ва шарафли вазифа турарди. 1868 йил сентябрида I Интернационалнинг Брюссель конгрессида немис делегатлари «Капитал»нинг халқаро ишчилар ҳаракатида жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлишини таъкидлаб, тезроқ уни бошқа тилларга таржима қилишни тавсия этдилар.

«Капитал» дунёда биринчи марта рус тилига таржима қилинди ва 1872 йил 8 апрелда Петербург китобхонларига тақдим этилди «Капитал» рус тилида 3 минг нусхада босиб чиқарилган эди.

Карл Марксниг «Капитал» асари рус тилига таржима қилинмасданоқ Россияда демократик зиёлилар ва революцион ёшлар ўртасида маълум ва машҳур бўла бошлаган эди. «Капитал»ни немис тилида биринчи ўрганувчилар орасида журналист-публицист Н. Флеровский, олим К. Тимирязев, социолог М. Ковалевский, иқтисодчи олим Н. Зибер ва бошқалар бор эди. «Капитал»ни рус тилига таржима қилиш ташаббуси демократик «Сўлкавойлик жамият» («Рублевая общества» — унинг аъзолари ойига бир сўмдан взнос тўлашарди.) да қатнашаётган аъзолар томонидан бошланган эди. Бу жамиятга рус революционери Г. Лопатин бошчилик қиларди. Г. Лопатин бу жамиятни тузгани учун 1868 йил январда қамоққа олиниб, Ставрополга сургун қилинди. Сургунда Г. Лопатин Карл Марксниг асарларини қунт билан ўрганди. 1870 йил бошида Г. Лопатин сургундан Петербургга қочиб келди ва философ-социолог, кейинчалик либерал-народникларнинг йўлбошчиси бўлган П. Лавровни сургундан қутқариб, Парижга биргаликда кетишига ёрдам берди. Г. Лопатин Парижда I Интернационалга аъзо бўлиб кирди ва «Капитал»ни рус тилига таржима қилишга киришди.

Г. Лопатин «Капитал»ни рус тилига таржима қилиш жараёнида жуда кўп илмий қийинчиликларга дуч келди. Шундан кейин 1870 йилнинг ёзида асар муаллифи Карл Марксдан бевосита консультациялар олиб туриш учун Лондонга борди. Г. Лопатин Лондонда Маркс билан танишибгина қолмай, буюк доҳийнинг яқин дўстига айланди. «Капитал»ни рус тилига таржимаси бўйича Марксдан олинган доимий маслаҳат ва консультациялар унинг революцион руҳини янада кучайтирди, билим доирасини кенгайтирди. Г. Лопатин 1870 йил сентябрь ойида Марксниг тавсияси билан I Интернационал Бош советининг аъзоси қилиб сайланди.

Г. Лопатин «Капитал» таржимаси устида ишлар экан, жуда кўп вақтини Британ музейининг бой кутубхонасида ўтказди. Бу ерда Маркс фойдаланган адабиётларнинг асл нусхаларидан фойдаланди, уларнинг муаллифлари билан танишди. Шуни ҳам айтиш керакки, Г. Лопатин «Капитал» таржимасида бир қатор масалаларни осон талқин қилди, бу соҳада у К. Марксга шахсий фикрларини билдирди; ўз навбатида К. Маркс уларни мамнуният билан қабул қилиб, «Капитал»нинг кейинги томларини ёзишда ҳисобга олди. Бу тарихий фактлар Г. Лопатин «Капитал»ни таржима қилиш жараёнида Карл Маркс асари мағзига чуқур кириб борганлигини, бу асарни таржима қилиш шарафли, масъулиятли деб билганлигини кўрсатади.

«КАПИТАЛ» БИРИНЧИ ТОМИНИНГ РУС ТИЛИДА ЧИҚАРИЛГАНИГА 100 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

● ●

Г. Лопатин «Капитал» таржимаси жараёнида сиёсий иқтисоднинг русча терминологиясини ишлаб чиқди, «Капитал»нинг навбатдаги томлари таржимаси учун методика яратди.

Шу туфайли «Капитал»нинг биринчи таржимони Герман Александрович Лопатиннинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини, ақл-заковатини, билим ва шижоатини Карл Маркс юқори баҳоларди эди. Маркс 1870 йил 3 августда Энгельсга ёзган мактубида Лопатиннинг ижтимоий фаолиятига тўхталиб; «У ҳозиргача мен учратган руслар ўртасида ягона нуфузли шахс», деган эди. Кейинчалик Маркс «Капитал»нинг русча нашри босилиб чиққандан сўнг — Лопатин ҳаётидаги янги маълумотлардан хабардор бўлади, унинг тўғрисида: «Мен камдан-кам кишиларни унингдек яхши кўраман ва ҳурматлайман», деб ёзган эди.

«Капитал»нинг биринчи таржимони табиатан исёнкор қалб эгаси бўлганлигидан буюк рус революцион-демократи Николай Чернишевскийни Сибирь сургунидан озод қилиш режаларини туза бошлайди. У «Капитал» биринчи томи таржимасининг бир қисмини тамомлагач, 1870 йил охирида яшириш суратда Россияга келди. 1871 йил бошида Иркутскда қўлга тушди қамда қамоққа олинди; кучли назорат остида Сибирга сургун қилинди. Г. Лопатин сургун олдидан «Капитал»ни ўз дўсти иқтисодчи олим ва журналист-публицист Николай Францевич Даниельсонга топширди.

Н. Ф. Даниельсон «Капитал» биринчи томининг таржимасини муваффақиятли тамомлади. Тарихий маълумотларга кўра, таржимани тезлаштиришда, сиёсий иқтисод терминологиясини тўлдиришда Н. Даниельсонга кейинчалик буюк кимёгар олим бўлган Н. Любавин катта ёрдам кўрсатди. Н. Ф Даниельсон ҳам, аввало Маркс билан алоқа боғлайди, мактублар ёзади. Марксниг илтимосига кўра, Россия ҳақида иқтисодий маълумотларни етказиб бериб туради, Россия ижтимоий ҳаётидаги янгиликлардан Марксни хабардор этиб боради. Марксниг вафотидан кейин Энгельс билан алоқа боғлайди ва Энгельснинг вафотига қадар хат ёзишиб туради.

Н. Даниельсон «Капитал» биринчи томининг таржимасини муваффақиятли тугатиб, 1872 йил петербурглик тараққийпарвар нашр Н. Поляковнинг нашриётида уч минг нусхада нашр этди. Китобда таржимонларнинг номи кўрсатилмаган эди. Маркс «Капитал»нинг рус тилидаги таржимасини зўр қизиқиш билан қарши олди. Бинобарин, Маркс таржима ниҳоятда билимдонлик ва усталик билан қилинганлигини кўп марта қайд этган эди.

Н. Даниельсон «Капитал»нинг иккинчи (1885 йил), учинчи (1896 йил) томларини ҳам таржима қилиб нашр этди. В. И. Ленин кейинчалик Г. Лопатин ва Н. Даниельсоннинг бу тарихий хизматларига юксак баҳо берди.

Хўш, Г. Лопатин ва Н. Даниельсоннинг кейинги тақдири нима бўлди? Г. Лопатин 1873 йили Сибирь сургунидан чет элга қочиб кетди. 1879 йили янги революцион вазият етила бошлаши билан Россияга қайтиб келди. 1884 йили яна революцион фаолияти учун қамоққа олиниб, Шлисселбург қамоқхонасига юборилди. 1905 йил революцияси туфайли Г. Лопатин қамоқдан озод бўлди, лекин соғлиги ёмонлашиб, сиёсий фаолиятдан четлашиб қолди. Н. Даниельсон эса, кейинчалик, народниклар ҳаракатининг актив арбобларидан бирига айланиб қолди.

«Капитал»нинг рус тилига таржима этилиши Россияда революционерларнинг янгидан-янги авлодларини тарбиялашда, ишчилар синфини янги курашларга илҳомлантиришда катта роль ўйнади. «Капитал» ғоялари тараққийпарвар рус зиёлиларининг катта қисмини бахраманд қилди, рус ишчиларининг биринчи революцион ташкилотлари ва марксистик тўгаракларига кириб борди, студентлар аудиторияларига кириб ёшларнинг исёнкорлик руҳини қучайтирди. Шунинг учун ҳам Карл Маркс 1880 йили Россияда «Капитал»ни ўқиш ва қадрлаш бошқа мамлакатлардан юқори туришини таъкидлаган эди. Маркс Россиянинг революцион имкониятларига, чоризмнинг ағдарилишига комил ишонч билдирган эди. 1881 йил Маркс ва Энгельс Лондон ишчиларининг Париж Коммунаси ўн йиллигига бағишланган митингига йўллаган табрикларида: «узоқ давом қилган ва қаттиқ курашдан кейин бўлса ҳам, оқибат натижада Россия Коммунасининг барпо этилиши муқаррар», деб ёзган эдилар. 1882 йилда эса, Энгельс «Россия Европадаги революцион ҳаракатнинг илғор отрядига айланди», деб кўрсатган эди.

«Капитал»нинг рус тилида нашр этилиши Россияда революцион жараённинг юксалишида, пролетар партиясининг шаклланишида ниҳоятда катта роль ўйнади. Россиядаги Коммунистик партиянинг асосчиси В. И. Ленин ўсмирлик йилларидаёқ «Капитал» билан танишиб чиққан эди. В. И. Ленин кейинчалик «Капитал»даги ғоялардан ўз назарий асарларида, амалий фаолиятида фойдаланади. В. И. Ленин «Капитал»даги ғояларни Россия ва бошқа мамлакатлар воқелигига татбиқ этишда, шу асосда марксистик фанни ривожлантиришда классик намуна кўрсатди. В. И. Ленин капитализмнинг империализм босқичидаги иқтисодий қонуниятларини моҳирлик билан кўрсатди, янги социалистик жамиятнинг иқтисодий қонуниятларини кашф этди. В. И. Ленин 1905—1907 йиллар биринчи рус революцияси даврида «Капитал»нинг янги таржимасини тақлил этишда қатнашди.

Эндиликда «Капитал» мамлакатимиз меҳнаткашларининг энг кўп мутолаа қиладиган китобларидан бирига айланиб қолди. «Капитал» мамлакатимиздаги 20 тилда 188 марта нашр қилинди. Унинг СССРдаги нашрларининг умумий тиражи 6 миллион 594 минг нусхага етди. 1955 йилдан бошлаб республикамиз китобхонлари «Капитал»ни ўзбек тилида ўқимоқдалар. Бугунги кунда КПСС Марказий Комитети қошидаги марксизм-ленинизм институти Германия Бирлашган социалистик партиясининг марксизм-ленинизм институти билан биргаликда Маркс, Энгельс асарларининг юз томлигини босмага тайёрламоқдалар. Маркс, Энгельс асарлари тўла тўпламининг нашр этилиши марксча-ленинча назария ва ғоявий иш учун, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун жуда катта аҳамиятга молик бўлади.

«Капитал»да талқин қилинган ғоялар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оловли йилларида ва жаҳон революцион тараққиётининг бутун йўналишида тарих синовларидан ўтди ва ўтмоқда. Зотан, В. И.Ленин таъкидлаганидек «Капитал» илмий социализмни талқин қилувчи бош ва асосий асардир».

К. УМАРОВ,
тарих фанлари кандидати.
Ю. ЙЎЛДОШЕВ,
иқтисод фанлари кандидати.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ШАҲАР ТАБАССУМИ

Гарчи «эски» ва «янги» деган тушунчалар ўзининг аввалги маз-мунини аллақачон йўқотган бўлса-да, тошкентликлар «Эски шаҳар» деган иборани тез-тез ишлатишга одатланиб қолишган. Тўғри, пойтахтимизнинг айниқса Октябрь райони территориясида эски, пастқам уйлардан иборат маҳаллаларни, «илон изи» тор кўчаларни ҳали ҳам учратиш мумкин. Бир вақтлар ҳеч қандай плансиз қурилган бу кўча ва хонадонлар табиий бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди албатта.

Бугунги Тошкент — энг замонавий соҳибжамол шаҳар! Шунинг учун шойи сўзанга «чипта ямоқ»дай бўлиб турган ана шу яккам-дуккам кўча ва бинолар ўз умрини яшаб бўлганлигини, мўйсафид шаҳарнинг ўзига хос такрорланмас кўринишларига бу кўча ва уйларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини ҳар бир тошкентлик яхши тушунади.

Марказ — 27...

Пойтахтнинг энг йирик Октябрь райони территориясида бунёд этила бошланган дастлабки турар-жой микрорайони ана шундай аталади. «Ташгипрогор» институтида тайёрланган лойиҳа асосида 159-трест қурувчилари ана шу қутлуғ ишга қўл урдилар.

Микрорайон 31 гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда қар бири да 2600-3200 киши яшайдиган учта маҳалла вужудга келади. Маданий-маиший комплекслар, болалар комбинатлари, турар-жой бинолари ажойиб миллий анъаналар ва ҳозирги замон архитектурасининг энг кейинги ютуклари даражасида барпо этилади.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг 6 апрель сони пойтахтимизнинг ана шу янги микрорайони ҳақида учинчи саҳифасида «Янги уйлар, янги кўчалар» сарлавҳаси остида батафсил ҳикоя қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАР ХИЗМАТИДА

«ҚОҒОЗДА ВА ОҒИЗДА»

Газетамизнинг шу йил 1 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида берилган мақолада Қашқадарё область Шаҳрисабз шаҳридаги 161-автобаза раҳбарлари аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда намчиликларга йўл қўйётганликлари танқид қилинган эди.

Шаҳрисабз шаҳар автобус-таксаматор парки директорининг редакцияга хабар қилишича, мақола автобус ва такси ҳайдовчилар ўртасида атрофлича муҳокама қилинган. Унда келтирилган фактлар тасдиқланган. Бекатлар уртасидаги нархни белгилашда хатога йўл қўйгани учун автостанция бошлиғи Ойдин Бобоев огоҳлантирилган. Намчиликларни тугатиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланган.

НАФС ҚУРБОНИ

Редакцияга келган хатларнинг бирида Навоий район халқ маорифи бўлимининг мудири Хайрулла Сафаров мансабдан фойдаланиб, давлат маблағининг талон-торож қилинишига йўл қўйгани кўрсатилган эди.

Бухоро область прокуратураси хат юзасидан текшириш ўтказилганда унда кўрсатилган фактлар тасдиқланганлигини маълум қилди. Жавобгар шахслар устидан жиноий иш қўзғотилган.

ТУҲМАТ ТОШИ

ФЕЛЬЕТОН

Қиш бўйи ер юзини қоплаб ётган қалин қор аста эриб, Ҳовос даштларида ҳам баҳор қулди. Чечаклар яшнади. Қўй-қўзилар яшил бахмал устида яйрашади. Бепоён дала ҳавоси мўътадил. Борлиқ дилларга ором беради. Шундай паллада ўйнаб-кулганга нима етсин?!

Афсус, Шаҳодат қулмаяпти! Бир вақтлар хушчақчақ бу қизнинг тоғ лоласидек қипқизил юзларидан табассум аримасди. Эндигина 19 баҳорни кўрган маъсума қизнинг шодлик ва табассумини ким ўғирлади, ким?!

Уй бурчагида жунжикиб ўтирган қиз юм-юм йиғлайди. Ойҳол она уни юпатади:

— Қўй, болам, ҳақ жойида қарор топар, юзинг ёруғ бўлар!

Шаҳодат ҳамқишлоғи Сувонқулни чиндан ҳам севарди. Ўзи ўқиган ажойиб китоблардаги вафодор қизлар янглиғ дил боғлаган, умид қўйган эди унга. Сувонқул ўша дамларда қиз кўзига ишқ йўлида, ёр йўлида жонини фидо қилган баҳодир Фарҳод бўлиб кўринарди...

Ана, хушовоз хонандалар қўшиқ бошлади:

Тўйлар муборак, эй ёри жоним,
Тўёна бўлсин, тан бирла жоним.

Оқ қарир рўмолини бошига ташлаб, келин келди. Гулдай очилган дугонажонлари уни қўлтиқлаб олишибди. Тўйхонада манё шу шодиёна дамни сабрсизлик билан кутиб ўтирган кекса-ю ёш қувонч билан қарсак чалиб юборди. Куёв бола умр йўлдошини гулдаста тутиб кутиб олди. Шаҳодат Тангриқулова Сувонқулгаи хонадонига илк бор мана шундай қадам қўйган эди. Қизнинг умр дафтарига зарҳал билан ёзиладиган бу айём 1971 йилнинг 5 сентябрь оқшомида бўлиб ўтди.

Шаҳодат Сувонқулнигина эмас, унинг ота-онаси, қариндош-уруғларини ҳам беҳад ҳурмат қилди. Тўйдан кейинги қирқ кун қиз қўнглидагидек ширин ўтди. Бу орада у 25-мактабда ишлаб юрди.

Бир куни кутилмаганда Сувонқуллар хонадонига Шаҳодатнинг отаси, холаси, янгаси кириб келишди. Уларнинг кайфияти ёмон эди. Шаҳодат ҳайрон бўлиб қолди.

— Тинчликми?! — сўради у.

— Тинчлик.

— Шаҳодатхон, чой қўйиб юборинг, қизим!

Шаҳодат чой қўйишга кириши. Бу орада уйда анчагина гап-сўз бўлиб ўтди. Она ўғли Сувонқулни қойир, куюнар эди.

— Вой, шўрим! — Шаҳодатни ваҳм босди. — Бир бало бўлмаса эди!

Шаҳодатнинг қариндош-уруғлари уйдан чиқишди. Уларнинг кайфияти боягидан ҳам ёмон эди.

— Юр, қизим, — дея аста Шаҳодатнинг олдига борди Жўрабек ака, — онанг бетоб бўлиб қолди. кўриб келасан.

Шаҳодат минг ўй-хаёл билан онаси ҳузурига етиб борди.

Хайрият, у бетоб эмас экан. Бўлмаса нима гап? Холаси сирни очди:

— Эринг қурсин! Кўча-кўйда сени бадном қилиб юрибди. Турмушга чиқмаёқ ҳомиладор бўлиб қолган эмишсан!

Айтишларича, бу гап даставвал Сувонқулнинг отаси Йўлдош Эрбековдан чиққан экан. Таажжуб! Кўпни кўрган, ёши бир ерга бориб қолган одам, наҳотки, ўз фарзанди шаънига шундай доғ туширишдан тап тортмаса?!

Йўлдош Эрбеков бундан саккиз йил муқаддам «Ховос» совхозининг 3-бўлими бошқарувчиси эди. Ишда камчиликларга йўл қўйгани учун тегишли ташкилотлар уни ўз вазифасидан олиб, ўрнига Жуман Хўжабековни тайинлашди. Шундай қилиб, орага адоват тушди. Эрбеков қандай бўлмасин Хўжабековдан ўч олишга шайланди.

— Ҳа, яшмай тур, Жуман! — ўзича яниб қўйди Эрбеков. — Қўлимдан шундай амални тортиб олдинг-а! Мен сени боплайман! Бопламагунимча тинибтинчимайман!

Эрбеков Хўжабеков устидан ёзув-чизув ишларини қўпайтириб юборди. Орадан саккиз йил ўтди. Эрбеков анча кексайиб қолди. Одатда, қариганда одам улуғсифат бўлади. Ёшлар уни, отахон, дея иззат-ҳурмат қилишади, ий тўриданж жой беришади. Отахон ҳам ўз навбатида яхши ҳулқи, ширинсуханлиги, ишбилармон ва тадбиркорлиги билан ёшларга ибрат бўлади. Ивгорлик, фисқу-фасод, ҳасад уларга бегона! Эрбеков-чи? Ҳай-ҳай!!

Эрбеков бир даста қоғозни қўлтиқлаб ҳаллослаганича йўлга тушди. Дастлаб у Янгиер прокуратурасида бўлди.

— Мана, бу ҳужжатларда Хўжабековнинг қилмишлари баён этилган. Тезда чора кўринглар! — уқтирди у.

Эрбеков йўл юрса ҳам мўл юриб, талай чўлу-боғлардан ошиб, Гулистон шаҳрига — Сирдарё область партия комитети биносига кириб борди. Қўлтиғидаги арзномаларнинг бир нусхасини бу ерда қолдирида. Тошкентга учди. Ниҳоят, Эрбеков редакцияда.

— Хўжабековнинг дастидан дод! — ҳаяжонланади у. — Мана бу ҳужжатларни ўқинглар! Хўжабеков ким эканлигини билиб оласиз.

Эрбеков бир даста қоғоз узатди. Суриштириб билсак, бу Янгиер прокуратураси ҳамда Сирдарё область партия комитетига йўл-йўлакай ташлаб ўтилган шикоятномаларнинг учинчи нусхаси экан. Эрбеков «ҳужжат» деб тақдим этган арзномаларнинг биринчисига унинг ўзи имзо қўйган. Қолганлари эса турли ёзишмалардан нусха бўлиб, уларни бирор ташкилот ёки бирор киши тасдиқлаган эмас!

Область партия комитетидаги масъул ўртоқлар Эрбековнинг «ҳужжат»ларини ўрганиб, уларда баён этилган фикрлар юзасидан Хўжабековга ўз вақтида маъмурий жазолар кўрилганлигини аниқлашди.

Эрбеков яна норози, яна даргазаб:

— Хўжабековни барибир қўйманман!

Бир неча ойдан буён ҳеч қаерда ишламай, идорама-идора тентираб юрган Эрбеков чиндан ҳам ўзини кўрсатди. Мана, унинг даъвоси:

— 25-мактаб директори Хўжабеков келинимни турмушга чиқмаёқ йўлдан оздирган, юқумли касалликка чалинтирган! Суд олдида жавоб берсин.

Эрбеков бу даъвосини нима билан асосламоқчи бўлади? Бир куни Шаҳодатнинг онаси Ойхол Тангриқулова Ховос поликлиникасига келиб, хотинқизлар шифокоридан тегишли маслаҳатлар олади. Ўшанда у ҳомиладор эди. Орадан кўп ўтмай кимдир Ойхол она туғилган 1929 сананинг устига чизиб, рўйхат дафтарига қизи Шаҳодат туғилган 1953 йилни ёзиб қўйибди. Бундан, гўё онаси эмас, поликлиникага қизи ҳомиладор бўлиб келган, деган уйдирмани уқтиришмоқчи.

— Мана, ишонмасанглар дафтарга қаранглар, Шаҳодат дўхтирхонага келган, ҳа! — дейди Эрбеков овозини бир парда баланд кўтариб.

Хўш, шифохона рўйхат дафтаридаги ёзувни ким ва қандай мақсадда ўзгартирган? Буни Янгиер прокурорига ҳавола қиламиз.

Эри ва қайнотасининг туҳматига чидай олмаган Ш. Тангриқулова суд-медицина экспертизасига учрашиб, кўрикдан ўтди. Комиссия унга мана шундай хулоса чиқариб берди: «Шуни маълум қиламизки, гражданка Ш. Тангриқулова 1972 йил 17 январдан 17 февралгача Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон тери-таносил касалликлари институтида кўрикдан ўтди. Доцент А. Х. Абдуллаеванинг хулосасига кўра, унда ҳеч қандай таносил касаллиги белгилари бўлмаганлиги аниқланди».

Ота сўзига кириб, ҳеч қаерда ишламай умр йўлдошини бадном қилиб юрган Сувонқул Эрбеков ҳозир ўзини қаерга қўйишини билмай, гаранг... У лақмалигидан пушаймонга ўхшайди. Энди мана буни ўқинг: «Мен ким, тилхат ёзувчи Эрбеков Сувонқул шуни маълум қиламанки, 1971 йилнинг 5 сентябрида Шаҳодат Тангриқулова билан никоҳ тўйимиз бўлиб ўтди. Менинг айбим билан 15 октябрь куни у ўз уйига кетиб қолди. Мен Шаҳодат билан абадий турмуш қуришни истайман. Агарда келгусида Шаҳодатга бирор шикаст етса, жавобгарликни бўйнимга оламан. Бундан кейин Шаҳодат ва бошқалар тўғрисида ҳеч қандай уйдирма гапларни гапирмайман. Мен айтган гаплар енгилтаклик устида бўлган. Ушбу тилхатни Ховос қишлоқ Советининг раиси сифатида ёзиб берамман. Қўл қўйдим: **Сувонқул**».

Меҳнаткашлар депутатлари Ховос қишлоқ Совети ижроия комитети номига Ш. Тангриқуловадан ҳам арзнома тушган эди. Қишлоқ Совети уни Янгиер прокурорига ҳавола қилди. Тергов ишлари ниҳоясига етди. Туҳмат тошини отганлар ўз қилмишларига яраша жавоб берадиган кун узоқ эмас.

Усмон ЮСУПОВ.

ДАХЛСИЗ ДАРВОЗАЛАР

Мухлислар бу сафар стадионга катта умидлар билан келишди. Олий лигадан тушиб қолган «Пахтакор»нинг машқлари қандай натижалар беришини мириниб томоша қилишга орзуманд эдилар. Бундан ташқари, Тошкент стадионида учрашаётган командаларнинг биринчи бор юзма-юз келиши. «Пахтакор» мухлислари ўтган йилги армонларининг ҳиссасини чиқариш учун команда жозибали ўйин кўрсатиши мутлақо табиий деб ўйлашганди. Пермь шаҳрининг «Звезда»си — 124 команда орасида биринчи группага чиқолган уч ғолиб команданинг бири.

Шу жиҳатларга кўра «Пахтакор» — «Звезда» учрашуви кўпчилик мухлисларни чорлаганди. Улар стадионга, «зангори экран» рўпарасига, радио карнайлари олдига иккала команданинг ўйинларидан баҳра олиш истагида тўпланишди. Мухлислар қалбида шундай ҳаяжон ва орзу-умидлар жўшиб турган дамларда «Звезда» ва «Пахтакор» командаларининг капитанлари Герман Феоктистов билан Тўлаган Исоқов биринчи учрашув олдидан чемпионат байроғини нўтариш шарафига муяссар бўлдилар. Бу — Ўзбекистонда футбол мавсумининг расмий бошланиши.

Футбол

Олмаоталик судья В. Толчинскийнинг ишораси билан тўп ҳаракатга келтирилди. Ишқибозлар ҳаяжони ортиб борди. Улар «Пахтанор» бу сафар нисбатан кучлилиги, ҳужум устига ҳужум қилиб олий лигага чиқишга шайлигини кўрсатиб қўйишини кутишарди. Ҳужумлар бўлди, кетма-кет ҳужумлар ҳам бўлди. Бу уринишлар мудофаани ёриб ўтолмаслиги натижасида беоқибат қолаверди. Бутун ўйин давомида майдон эгаларининг устунлиги сезилиб турди. Бироқ, барча ҳаракатлар биргина очко олишдан нариги ўтмади.

Ўйин тугади ҳамки, ҳеч қайси дарвозага тўп киритилмади. «Пахтакор»нинг мухлислари бу ўйин натижасидан қаноатланмадилар. Улар фақат ғалаба иштиёқида, ҳужум устига ҳужум қилиб ҳар сафар қўш очко олишдан қаноатланадилар. Негаки ўтган йили очколар етишмаслиги жабрини тортган команда бу йил ўйинлар жадвалининг энг юқориги ўринларида мустаҳкам туриши, куч, маҳорат, иродани сафарбар этиб, интизомлилик ва коллективчилик намуналарини намойиш этиш билангина олий лигага чиқиб олиши мумкин.

Ўйин давомида бир неча жарима тўплари ҳам тепилди. Биронтаси В. Голубев кўриқлаётган «Звезда» дарвозасига кирмади. Дарвозалар даҳлсиз қолди. Ўйин охирида 0:0 ҳисоби қайд қилинди. «Пахтакор» 1 очко олди. Бироқ, ўйин нутилганден бўлмади. Мухлисларни ҳаяжонлантирмади. Чунки, «Пахтакор»нинг мухлислари ўз командасининг фақат ғалабасига тарафдор.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ШАҲАРЛАР ДЎСТЛИГИ

Париж кенгашининг раиси Жан Шериу бошчилигидаги кенгаш делегацияси 7 апрелда Ўзбекистон пойтахтига келди.

Франция пойтахтининг вакиллари Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов ҳузурида бўлдилар. Икки ўртада бўлиб ўтган дўстона суҳбатда улар ижроия комитетнинг фаолияти билан, шаҳар хўжалигининг ривожи, уй-жой қурилиши билан қизиқиб танишдилар.

Шу куни делегация шаҳарнинг янги қурилишларини ва бошқа диққатга сазовор жойларини бориб кўрди. В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетида бўлди. (ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

Лаос ватанпарварлари босқинчи қўшинларга қарши кенг кўламда ҳужум олиб бормоқдалар. Суратда: ватанпарвар кучлар томонидан асир олинган таиландлик ёлланма аскарлар.

ВИА—ТАСС фотоси.

ДЎСТЛИК ҲАФТАСИ

ҚОҲИРА. 6 апрель. (ТАСС). Бу ердаги «Ал-Гурий» халқ маданият саройида Совет — Миср дўстлиги ҳафталиги тантанали вазиятда очилди.

Ана шу муносабат билан бўлиб ўтган расмий маросимда Қоҳира губернаторининг ўринбосари Фатҳи Абу ал Сауд нутқ сўзлади. «Миср халқи, — деди у, — совет халқининг дўстона бегараз ёрдамини ҳеч қачон унутмайди. Бизнинг дўстлигимиз Баланд Асвон тўғони ҳамда ҳамма соҳалардаги доимий самарали ҳамкорлик билан мустаҳкамланган». Залдаги Қоҳира ишчилари, хунармандлари, зиёлиларининг вакиллари Фатҳи Абу ал Сауд нутқини гулдурос қарсаклар билан нутиб олдилар.

Ал-Гурий саройининг фойесида «СССР — маданият ва ҳаёт», «Совет Армияси тинчлик посбонлигида» деган виставкалар, шунингдек совет графикаси виставкаси очилди.

Ҳафталик программасида кўп миллатли Совет давлатининг ҳаёти тўғрисида лекциялар ўқиш ва суҳбатлар ўтказиш кўзда тутилган. Мана шу лекцияларни ўқишда Миср журналистлари, маданият ходимлари актив қатнашадилар. Ҳафталик давомида совет кишиларининг меҳнати ва ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилувчи бадиий ва ҳужжатли совет фильмлари намойиш қилинади.

Ҳафталик очилишида Мисрда гастроль берётган Грузия вокал-асоблари ансамбли «Иверия» катта концерт программаси қўйиб берди.

С. СИНГХНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ. 6 апрель. (ТАСС). Бугун Москвадан Деҳлига қайтиб келган Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх Деҳлининг «Палам» аэропортида бундай деди: «Совет Иттифоқига қилган визитим якунларидан мамнунман. Бу ғоятда фойдали визит бўлтур ёзда мамлакатларимиз ўртасида имзоланган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома руҳида масалаҳатлашиб олишимизга имконият берди».

Ташқи ишлар министри Совет раҳбарлари билан олиб борилган музокаралар чоғида икки томонлама муносабат масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи халқаро проблемалар муҳокама этилганлигини маълум қилиб, музокараларда томонлар «Ҳиндистон ярим оролида узоқ муддатли ва мустаҳкам тинчлик урнатишга эришиш зарур» деб таъкидлаганликларини мамнуният билан қайд этди.

- Қадимий Мисрда Совет кўргазмаси
- Совет сиёсати—тинчлик сиёсати
- АҚШ—қиморбозлар уяси
- Вьетнам можаросини кучайтирмоқдалар
- *Дунёнинг ғаройиб воқеалари*

БОЛГАРИЯ. Сливень шаҳридаги 8 Март номли трикотаж фабрикасининг маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Суратда: Живка Златова-фабриканинг энг яхши ишчиси.

БТА—ТАСС фотоси.

СИЙҚАСИ ЧИҚҚАН ЙЎЛ

Ҳинди-Хитойда ҳаво урушининг кенгайтирилганлиги Вьетнамдаги агрессиянинг давом эттирилишига қарши чиқаётган Америка жамоатчилигини ғоят ташвишга солиб қўйди.

Сенатдаги демократик кўпчиликнинг раҳбари М. Мансфилд урушни янада кучайтириш планларини кескин қоралади ва Американинг ҳамма қўшинларини Ҳинди-Хитойдан олиб чиқиб кетиш ҳамда Париждаги сулҳ музокараларини яна бошлаб юбориш урушни тўхтатишнинг энг яхши усули деб таъкидлади.

Тинчлик учун курашувчилар миллий коалицияси Вьетнамдаги воқеаларнинг ривожидан бесаранжом бўлаётганлигини изҳор қилди. Бу ташкилотнинг ижроия комитети урушга қарши ҳаракат программасини муҳокама қилмоқ учун якин кунларда Нью-Йоркда мажлис ўтказади. Коалиция раҳбарлари президент Никсоннинг «В-52» типидаги стратегик бомбардимончи самолётларни Ҳинди-Хитой мамлакатларидаги ҳарбий базаларга қўшимча равишда юбориш тўғрисидаги қарорини «Вьетнам можаросини кучайтириш» йўлидаги янги факт деб ҳисоблади. «Вьетнам можаросини кучайтириш» Америка халқининг манфаатларига зиддир.

«Нью-Йорк таймс» газетаси редакцион мақоласида АҚШ ҳукуматининг Ҳинди-Хитойдаги сиёсатини қоралаб, Вьетнамда уруш ҳаракатларининг кенгайтирилиши «бу мамлакатдаги аҳволни стабиллаштирмайди, балки АҚШнинг бу урушга аралашувини янада кучайтиради», деб таъкидлайди.

Қўшма Штатлар, деб ёзади «Нью-Йорк пост» газетаси, Ҳинди-Хитойда «музокаралар олиб бориш давридан конфронтация даврига жадал ўтмоқда».

Вьетнамдаги уруш кенгайтирилиши муносабати билан Қўшма Штатларда ўтареакцион унсурлар ўз фаолиятини ғоят кучайтириб юборишлар. Масалан, хаммага маълум сенатор Голдуотер сенатда сўзлаган нутқида Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини, шу жумладан, Хайфон портини қаттиқ бомбардимон қилишни талаб этди.

Оқ уйда «Махсус ҳаракат группаси» Вьетнамдаги аҳволни муҳокама қилиш билан шуғулланмоқда. Президентнинг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Г. Киссинжер бу группага бошчилик қилмоқда.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ДАККА, Бангладешнинг шарқи-шимолидаги Жамолпур шаҳрида Бангладеш билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик жамияти тузилди. Жамият ижроия комитетининг аъзолари яқдиллик билан қабул қилган резолюцияда Бангладеш халқининг миллий озодлик курашини қўллаб-қувватлаганликлари учун Совет Иттифоқи ҳукуматига ва халқига чуқур миннатдорчилик изҳор этилган.

◆ МАДРИД. Буқа билан олишув ҳаваскорлари ўзлари ихлос қўйган томошадан номаълум вақтгача маҳрум бўлай деб қолишди. Испания матадорлари касаба союзи ана шу қийин ва хавфли касб вакилларининг даромадларига ҳаддан ташқари катта солиқ солинаётганлигидан норозилик билдирди. Матадорлар касаба союзининг йиғилишида солиқларни камайтириш тўғрисидаги талаб қондирилмайдиган бўлса 30 апрелдан бошлаб забастовка ўтказишни эълон қилишга қарор қилинди.

◆ НЬЮ-ЙОРК. АҚШда қиморбозлик жуда кучайиб кетди. Неча ўн миллионлаб америкаликлар қимор ва гаров ўйнашга берилганлар. Ўн миллион киши қиморбозликка шу қадар муккасидан кетганки, бу дардни даволаш муаммо бўлиб қолди. От пойгасида, спорт ўйинларида ва шу сингарларда гаров ўйнаш қиморбозликнинг энг кўп тарқалган формаларидир.

Энг камайтириб эълон қилинган ҳисобларга кўра, америкаликлар ғайри қонуний қимор ва гаров ўйнашга ҳар йили 40 миллиард долларга яқин пул сарфламоқдалар. (ТАСС).

ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ ЛЕНИНЧА ЙЎЛИ

Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг ленинча йўли КПСС XXIV съезди қабул қилган «тинчлик программаси»да ўз ифодасини топди. Бу йўл, деди Франция Коммунистик партияси сиёсий бюросининг аъзоси, сенатор Жак Дюкло ТАСС мухбири билан суҳбатда, жаҳондаги воқеаларнинг боришига ғоят самарали таъсир кўрсатмоқда. СССРнинг уруш ўчоқларини тугатиш, империализмнинг жаҳон халқлари озодлиги ва мустақиллигига ҳамла қилишига зарба бериш, кескинликни юмшатишга ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган сиёсий муҳитни вужудга келтиришга қаратилган ташқи сиёсий фаолияти барча қитъаларда ғоят маъқулланмоқда ва бу фаолият улуғ Ленин мамлакатининг халқаро майдондаги обрўсини анча мустаҳкамлайди.

Жак Дюкло яна қуйидагиларни айтди: француз жамоатчилиги, Франциянинг барча меҳнаткашлари Совет Иттифоқининг Шарқи-Жанубий Осиёдаги сиёсатини кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Совет Иттифоқи ўзининг интернационал бурчини бажариб, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона курашаётган Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларига моддий ва маънавий жиҳатдан жуда катта ёрдам бермоқда.

Биз, француз коммунистлари Ҳинди-Хитой проблемасини Вьетнам халқи билан, Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларнинг халқлари билан музокаралар олиб бориш негизидагина ҳал этиш лозим ва ҳал этиш мумкин, деб қатъий айтмоқдамиз.

Жак Дюкло сўзини давом эттириб, бундай деди: СССРнинг Ҳиндистон — Покистон можаросида тутган йўлини ҳам жаҳон жамоатчилиги кенг қўллаб-қувватлади. Совет ташқи сиёсати Ҳиндистон ярим оролидаги вазиятни нормаллаштириш жараёнига самарали таъсир кўрсатмоқда. Совет Иттифоқи ўзининг куч-ғайратини ер куррасининг ана шу қисмидаги кескинликка барҳам бериш, душманлик ва уруш вазиятини ярим орол ва яшовчи халқлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам берадиган вазият билан алмаштира боришга қаратилган.

Жак Дюкло яна қуйидагиларни айтди: Совет Иттифоқининг Европада тинчликни, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти ҳам бутун жаҳонда кенг маъқулланди. СССРнинг хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашини ўтказиш соҳасидаги актив ҳаракатлари Европадаги барча мамлакатларда бўлмаса ҳам, лекин уларнинг кўпчилигида қулай вазиятни вужудга келтирди. Ҳозирги вақтда Европа қитъасида буйдай кенгашни ўтказиш принципига очиқдан-очиқ қарши чиқаётган мамлакатлар ва раҳбарлар йўқ.

Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визити жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ҳар икки томон Франция — Совет қўшма декларациясида бу кенгашни 1972 йилда ўтказишга тайёр эканлигини ва кенгашнинг чақирилишига ёрдам беражагина айтишди.

Ўша пайтдан буён бир неча ой ўтди. Мен шу давр ичида сенат комиссияларининг мажлисларидан бирида Франция ташқи ишлар министрига савол бериш имкониятига эга бўлдим. Морис Шуман менга жавоб қайтариб, Франция ҳукумати хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашини 1972 йилда ўтказиш тарафдорлидир, деди.

Биз, француз коммунистлари, деди Жак Дюкло, шунга аминмизки, Европадаги барча мамлакатларнинг қитъада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинадиган кенгаши халқаро сиёсий ҳаётда янги босқич бўлиб қолиши керак. Шу сабабли биз ана шу кенгашни 1972 йилда ўтказиш учун актив ҳаракат қилмоқдамиз. (ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

◆ ЖАҲОНДА БИРИНЧИ...

Япониядаги ҳайвонот боғларидан бирида дунёда биринчи марта арслон билан леопардан насл олишга муваффақ бўлинди. Уч мурғак «шербачча»ларнинг онаси Сонокининг оғирлиги 135 килограмм келади. Оталари леопард Конео эса анча кичкина бўлиб, оғирлиги 32 килограммдан ошмайди.

◆ ОЛИЙ ЖАЗО

Заир республикасида махсус фармон чиқарилди. Шу фармонга мувофиқ, одам ўлишига олиб келувчи ҳалокатга сабаб бўлган машина ҳайдовчилар энг олий жазога тортилади. Йўлдаги ҳалокат учун айбдорга чора сифатида ўлим жазоси бериш дунёда биринчи марта қўлланилаётир.

◆ ЯНА ОРИГИНАЛЛИК!?

Жанубий Африка Республикасининг ирқчи маъмурлари яна бир оригиналлик билан ўзларини намойиш қилишди. Улар ҳар бир қамоқхонада иккитадан — оқ танлилар учун алоҳида, қора танлилар учун алоҳида дор ўрнатишга фармойиш бердилар.

◆ АНТИҚА ГУЛ

Ява оролида антиқа бир гул ўсади. Ерли аҳоли бу гулни «вулқон жарчиси» деб ҳам аташади. Чунки у вулқон ўпқони теварагида вулқон отилиб чиқишидан сал олдинроқ гуллайди. Унинг очилиб турганини кўрган заҳоти одамлар хавфли жойни тарк этиб, бошқа жойларга кўчиб кетишади.

◆ ҒАЛАТИ ОДАТ

Филиппиндаги ороллардан бирида лоноготлар қабиласи яшайди. Етти минг кишилик бу қабила орасида ҳанузгача ғалати бир одат сақланиб қолган. Шу одатга кўра, ниқоҳга ўтувчи киши кимнингдир ҳаётини сўндириши керак. Шундай қилсагина фарзанд кўриши мумкин эмиш. Ўша ерлардан топилаётган балиқчи ва туристларнинг боссиз таналари бунинг далили бўлса керак.

Редактор М. ҚОРИЕВ

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

10 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Мультфильм. 18.05—Бугун—ҳарбий хизматга чақирилувчилар куни. 18.30—Чўллар яшнар инсон қўлида. 19.00 — **Футбол:** «ПАХТАКОР» — «УРАЛМАШ» (Свердловск). 20.45 — Ахборот. 21.00— **Футбол:** «ДИНАМО» (Тбилиси) —«ДИНАМО» (Москва). 22.45 — Телеспектакль. 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.45 — МОСКВА. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — Мультфильм. 18.30 — Концерт. 19.00 — Дон казаклари давлат ансамблининг концерти. 19.45— **Ғалати гаров** (бадиий фильм). 21.00 — ТОШКЕНТ. 21.50 — Оламда нима гап? 22.15 — Старт олдидан интервью. 22.45—МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

11 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА. 17.50—ТОШКЕНТ. 17.55 — Телефильм. 18.00— Телеқўғирчоқ театри. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Ахборот (Тошкент). 19.20 — **Хоккей:** СССР — ШВЕЦИЯ. 20.00 — Миллионлар ленинча университети. 20.30— ТОШКЕНТ. 20.45 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 21.20 — Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро кинофестивали олдидан. 22.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.45 — МОСКВА. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — Мультфильм. 18.30 — Ўзбекистон меъмори (Тошкент). 19.00—Фильм-концерт. 19.20—Кино ҳақида суҳбатлашамиз. 20.30 — **Олдинда бир кун бор** (бадиий фильм). 22.00 — Фильм-концерт 22.30—МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 21.50—Врач маслаҳати. 22.00 — Спортлото. 22.05— Телефильм.

12 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА. 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.05 — **Хоккей:** «СПАРТАК» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Горький). 17.45 — Мультфильм. 18.00—Мангулик. 18.40 — Ўткир зеҳнлилар мушоираси. 19.40 — Ахборот. 20.00 — Космонавтика кунига бағишланган тантанали мажлис (Москва). 21.15— Ахборот. 21.30 — Миллионлар ленинча университети. 21.55 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.25 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.50 — Танбур наволари. 21.15 — Концерт. 21.55 — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Олмаота конференцияси олдидан. Қамар **Раис** шеърлари. 22.05 — **Хоккей:** «СПАРТАК» (Тошкент) — «ХИМИК» (Воскресенск).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. 20.00—Ўқув кўрсатувлари. 21.10 — **Юрий Гагарин** (ҳужжатли фильм). 22.00— Фильм-концерт.

13 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА. 17.25 — ТОШКЕНТ. 17.30 — Мамлакат кучли теннисчиларининг турнири. 18.00 — Кинофильм. 18.35 — Фильм-концерт. 19.05 — Ахборот 19.20 — МОСКВА. **Хоккей:** ФИНЛЯНДИЯ — ШВЕЦИЯ. 20.00—Миллионлар ленинча университети. 20.30—ТОШКЕНТ. 20.45—Ноз-неъмат бунёдкори. 21.30 — Музикали кўрсатув. 22.00 — «Вақт» 22.30 — Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри П. Н. Соколовнинг чиқиши. 22.20—**У замонлар ўтиб кетди** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.15 — МОСКВА. 19.20 — ТОШКЕНТ. 19.50—Ўзбекистон комсомоли. 20.30 — МОСКВА. 21.00 — Янгиликлар. 21.10— Рус операсидан парчалар. 22.00— ТОШКЕНТ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 20.55 — Врач маслаҳати. 21.05 — Ольга Моисеева рақсга тушади. 21.35— **Урмонда** (телефильм).

14 АПРЕЛЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.25 — МОСКВА. 17.55—ТОШКЕНТ. 18.00—Болалар учун концерт. 18.30 — Социализм дунёси. 19.00 — Ахборот. 19.20—Врач маслаҳати. 19.30 — Халқ контроли экрани. 20.00 — Ахборот. 20.15—Беш йилликнинг иккинчи йили. 20.55 — Еш ижрочилар. **Абдуҳамид Султонов.** 21.25 — МОСКВА. 21.55—Хоккей. ФИНЛЯНДИЯ—ЧССР. 00.15 — Камер куйлар. 01.25 — **Хоккей.** ШВЕЦИЯ—СССР.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.45—МОСКВА. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — Моҳир қўллар. 18.30 — Спорт кўрсатуви. 19.00 —Таниқлар, лауреатлар. 20.00— **Отелло Дюлахазеда** (бадиий фильм). 21.25 — ТОШКЕНТ. 22.15 —Бир сафда. 22.45 — **Хоккей:** «СПАРТАК» (Тошкент)—«КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» (Москва).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00—ТОШКЕНТ. Тўлқинда — 02. 20.30 — Классик музика саҳифаларида. 21.10 — **Уфқ оша етти қадам** (илмий-оммабоп фильм).

15 АПРЕЛЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. 9.35—Коммунистик шанбалик ташаббуслари. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 МОСКВА. 17.30—ТОШКЕНТ. 17.35— Спорт гимнастикаси мусобақалари. 18.30 — Халқаро панорама (Москва). 19.00 — Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги давом этади. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Ахборот. 19.50 — **Гаровга тикилган ҳаёт.** (телефильмнинг 1-серияси). 20.50 — Ахборот. 21.05—СССР халқ артисти **Галия Измайлова** концерти. 21.55 — «Вақт». 22.25—Экиш агрегатларига кенг йўл. 22.45 — **Деразадаги қиз** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.30—МОСКВА. 18.30— ТОШКЕНТ. 18.40 — **Ленин ҳақида қиқоялар.** 19.00 — МОСКВА. **Темур ва унинг командаси** (бадиий фильм). 20.15 — Балли, азаматлар! 21.55—Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.40 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

16 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30—«Юлдузча». 10.00 — **Уткир зеҳнлилар мушоираси.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.15—«Здоровье». 11.45 — Мультфильм. 12.15—Мамлакат далаларида. 12.30 —Ўқувчилар олимпиадаси. 13.30— Мультфильм. 13.45—Саноат моллари—халққа. 14.15 — Концерт. 15.15 — Тележурнал. 16.10—Янгиликлар. 16.15—**Киносаёҳатчилар клуби.** 17.15 — ТОШКЕНТ. 17.20— Ахборот. 17.35 — Интернационал дўстлик клуби. 18.15—Қўл тўпи бўйича Бутуниттифоқ турнири. 19.00—МОСКВА. **Футбол:** «СПАРТАК» — «КАРПАТ». 19.45 —ТОШКЕНТ. 20.00 — **Телеминиатюралар.** 20.40 — Дала ишлари кундалиги. 21.00 — Ўзбекистон эстрада оркестрининг концерти. 22.00 —«Вақт». 22.30—**Дўппи кийган фаришта** (кинокомедия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.15—МОСКВА. 18.00— Фильм-концерт. 19.00—ТОШКЕНТ. **Хоккей:** «СПАРТАК» (Тошкент) —«СПАРТАК» (Москва). 19.45 — МОСКВА. **Шаҳар таронаси** (бадиий фильм). 21.30—Рақс зали. 22.00—Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ФРУНЗЕ- КЎРСАТУВЛАРИ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.10 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 8.25— Навоий ғазаллари билан айтилади. 9.30 — Еш ижрочилар концерти. 10.10 — Композитор **И. Акбаров** ва **С. Юдаков** асарлари. 11.15 — «Дугоналар» радиожурнали. 12.15 — Талабларга мувофиқ концерт. 13.30 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 15.10 —«Правда» газетасининг обзори. 15.20 — Маданият радиоуниверситети. 15.40 — Партия ҳақида қўшиқлар. 16.10 — Музикали эшиттириш. 16.50 — Бизнинг почта. 17.20 — Уйғур куйлари. 17.50 — Партия ҳодими минбари. 18.00 — Қарши чўлқуварлари учун концерт. 18.40—Спорт эшиттириши. 19.20—Еш композиторлар асарларидан концерт. 20.10 — Қишлоқ радиоклуби. 21.00—Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Дала меҳнатқашлари учун концерт. 22.15 — Ватан ҳақида қўшиқлар. 23.10 — Лирик концерт. 24.00—Музикали программа.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Концерт. 10.35 — Кинофильм. 11.00— МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.15 — Қўғирчоқ спектакль. 12.10 — Музикали киоска. 12.35 — Иқтисодий темаларда суҳбат. 13.05 — Мультфильмлар. 13.30 — **Хоккей:** СССР — ФРГ. 14.30 — **Ҳамма юқорига** (бадиий фильм). 15.50 — Халқаро панорама. 16.20 — Цирк гомошалари. 17.10 — ТОШКЕНТ. 17.15 — Спорт конкурси. 18.15 — Мультфильм. 18.35 — АХБОРОТ. 18.55 — Музикали кўрсатув. 19.25 — АХБОРОТ. 19.40 — Най наволари. 20.00 — МОСКВА. **Ҳайвонот оламида.** 21.00 — **Футбол:** «КАРПАТ» (Львов) — ЦСКА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.10 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Эстрада концерти. 20.40 — **Мингдан бир имконият** (бадиий фильм). 22.00 — Хислат лирикаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—8|IV да **Князь Игорь**, 9|IV да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 8|IV да **Шоҳ Эдип**, 9|IV да **Табассум ўғрилари** (кундузи). **Олтин девор** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 8|IV да **Фарғона тонг отгунча**, 9|IV да **Хотинимнинг эри**, 10|IV да **Ажаб савдолар**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЯШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8|IV да **Биринчи бўса**, 9|IV да **Беш кунлик куёв**.

КИНО

Она муҳаббати (ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Венгер бойи — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Еттинчи фалак — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Омадли жентельменлар — ҲАМЗА номли, «КЎКЧА», «ДРУЖБА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Муҳаббат фожиаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Захар Беркут — «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

ИРКУТСКДАГИ «ХИМПРОДУКТ» ЗАВОДИ

Рух асосида қуюқ қилиб тайёрланган зангори, яшил, оч яшил, оч бинафша ранг, жигарранг, оч кулранг, тўқ сариқ ранглардаги мой

БУЁҚЛАРНИ СОТАДИ

Бўёқлар 2,5 килограммли металл банкаларда, 100 литрлик металл бочкаларда

СОТИЛАДИ

Темир йўл тарифининг 8,5 процент ҳажмидаги савдо скидкаси завод ҳисобидан тўланади. Бўёқ вагонларга ортилиб юборилади.

Мурожаат учун адрес: Иркутск-1, Баррикада кўчаси, 43-уй, телефон 4-25-47.

РЕСПУБЛИКАДАГИ ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ҚУРИЛИШ, СОВХОЗ, КОЛХОЗ, МАКТАБ ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ «УЗТОРЧЕРМЕТ» БИРЛАШМАСИ ТАШКИЛОТЛАРИ

15 АПРЕЛЬ ШАНБА КУНИ ҚАЙТА ИШЛАНАДИҒАН МЕТАЛЛАРНИ ОДАТДАГИДЕК

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги Республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1932 йилдан буён КПСС аъзоси

Солих НУРИДДИНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 336543, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330 683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4—29—44.

Б. 83 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 02352.